

Кадимги миллатлар, хусусан, ейиладиган хайвонлар хусусида ва бошка ейилиши ва ичилиши жоиз бўлган ва бўлмаган нарсалар хакида кўп ихтилоф килганлар.

Худди шунингдек наботий емак ва ичкиликлар хусусида ҳам инсонлар орасида катта ихтилофлар борлиги маълум, Ислом дини буларнинг ичимликларни харом килган. Аммо бу хох узумдан, хох хурмо ёки арпадан бўлсин, хох бошка бир моддадан тайёрланган бўлсин, ичкилик (маст килувчи хар нарса) харомдир. Яна инсонни хушдан ва аклдан айирадиган ва вужудга зарарли бўлган хар нарса харом килингандир. Ейиладиган хайвонлар ва хайвоний емаклар эса миллатлар ва жамиятларни катта бир фикр айрилигига туширган мавзулардир.

### **БРАХМАНИЗМ ФАЛСАФАСИГА КЎРА ХАЙВОН СЎЙИШ ВА ЕЙИШ**

Брахманизм фалсафаси хоким бўлган баъзи жамиятлар борки, улар хайвон сўйиши ва гўшт ейишни ўзлари учун харом килиб олганлар ва факат наботий озукалар билан яшаганлар. Бу фалсафий карашларига далил сифатида шу фикирни келтирадилар: "Хайвон сўйишлик инсоннинг ўзи каби бир жонзотга нисбатан багри тошлигидан бошка хеч нарса эмасдир. Уни яшаш хакидан махрум этиш хатодир".

Магарам, коинотга бокиб тафаккур килганимиз замон англаймизки, бу хайвонларнинг яратилишидан махсад мутлок бир гоё эмас, уларга акл ва ирода берилмаган. Яна шуни хам тушиниб етамизки, уларнинг табиий мавкеи инсонлар хизматига йўналгандир. Бас, шундай экан, инсонларнинг хайвонлардан тирик ёхуд сўйилган холда фойдаланишлари гоётада табиийдир.

Яна Аллох таолонинг бутун махлукоат ( хох жонли, хох жонсиз бўлсин ) олами учун татбиқ этгани конунлардан шундай бир хулосага келамиз: Уст табакадаги бир навнинг хаёти учун ост табакадаги бошка бир навлар курбон бўлиши мумкин. Масалан: Тебраниб Аллох

таолога тасбех айтган ям-яшил ўсимликлар ҳайвонларнинг озукаси учун кесилиши мумкин. Ҳайвонлар ҳам ўзи навбатида инсонларнинг озукаси учун сўйилади. Ҳатто шахс сифатида инсон ҳам жамият манфаати учун жанг қилиши ва ўлиши мумкин.

Шундай бўлгач, ҳайвонларни сўйишдан ҳазар қилиш уларни ҳалокатдан қутқариб қолмайди: Ҳайвонлар бир-бирларини ўлдирмасалар-да вақти келиб азоб чекиб ўладилар. Бу эса улар учун яна ҳам эртарок ўлдирадиган ўтқир пичоқдан кўра аламлироқ ва аччиқроқдир.

### **ЯХУДИЙЛАР ВА НАСРОНИЙЛАРДА ЕЙИЛИШИ ҲАРОМ БЎЛГАН ХАЙВОНЛАР**

Тавротда зикр этилганидек, Аллоҳ таоло денгиз ва қуруқлик ҳайвонларидан бир қанчасини яҳудийларга ҳаром қилгандир. Қуръони Қарим ҳам Аллоҳ таоло томонидан яҳудийларга ҳаром қилганини очикча билдиради. Аввал ҳа эслатиб ўтганимиз қаби бу ҳаром қилинишликнинг сабаби уларнинг ҳатоларидир.

"Яҳудий бўлган қимсаларга барча туёқликларни ҳаром қилдик. Мол-қўйдан улар учун ёғларни ҳаром қилдик. Магар биқинларидаги ё ичларидаги, ёки суякка аралашган ёғларгина (ҳаром эмасдир). Золимликлари сабабли уларни шундай жазоладик. Албатта, Биз рост сўзлагувчимиз". (Анъом сураси - 146).

Бу яҳудийларнинг ҳолатидир. Бу боради насронийлар ҳам яҳудийларга эргашишлари керак эди. Зеро, Инжил ҳазрати Ийсо (а.с.)ни Тавротни бекор қилиш учун эмас, балки уни тамомламак учун келганини эълон этади. Аммо насронийлар Тавротни танқид қилган ҳолда Инжил буюрмаган ва Тавротда ўзларига ҳаром қилинган нарсаларни ҳалол қилиб олганлар. Емак ва ичмоқлик ҳукми ҳусусида поплари Пулосга эргашадилар. Бундан ташқари бут ва санамларга атаб сўйилган ҳайвонларни емайдилар.

Пулос: "Пок бўлган ҳар нарса пок қишилар учундир, оғзига қирган нарса ҳаром бўлмайди, аммо ютилганда қайтиб чиққани оғзини ҳаром қилади" сингари ҳукмлар чиқариб, насронийларнинг Тавротда ҳаром қилинганига қарамай бугунгача чўчка гўшти еб қелишларига сабабчи бўлгандир.

## **ЖОХИЛИЯТ ДАВРИДА АРАБЛАРДА ХАРОМ БЎЛГАН ХАЙВОНЛАР**

Жохилият даври араблари баъзи хайвонларни ифлос ва жирканч санаб, баъзиларини эса, ибодат ва бутларга якинлашиш мақсадида харом килиб олганлар. Масалан: (аввалги бобларда батафсил айтиб ўтганимиздек) "бахира", "соиба", "васила" ва "хамий"нинг харом килиш билан бирга, ўлимтик хайвон ва оккан кон каби бир канча нарсаларни эса, халол санаганлар.

## **ИСЛОМ ПОК БЎЛГАН НАРСАЛАРНИ ХАЛОЛ КИЛАДИ**

Хайвон гўшти ейиш хусусида ҳукм беришда инсонларнинг бир қисми исрофга йўл қўяр экан, бошқа бир қисми эса, хадан ташқари таъқиқлар келтирар экан. Исломи дини бутун башариятни шундай сўзлар билан ҳақ йўлга даъват этгандир:

"Эй одамлар, ердаги халол, пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар. Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманларингиздир" (Бака- ра сураси - 168).

Исломи барча инсонларга хитоб этиб, бевосита ўзлари учун улкан ер юзи дастурхонидан пок бўлган ҳар нарсани ейишларини буюради ва бази инсонларга Аллох таоло халол қилган пок нарсаларни ёмон кўрсатиш билан халолни харом қилиб олишларига сабаб бўлган ва бу тариқа ўзларини пок бўлган нарсалардан маҳрум этиб залолат жарлиги ёқасига бошлаган шайтоннинг йўлига кирмасликка чакиради.

Ва яна мўмин кишиларга шундай хитоб қилади:

"Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз- покиза нарсалардан енглар ва агар Аллохнинг ўзигагина ибодат қилгувчи бўлсангизлар, У зотга шукр қилингиз! У сизларга

факатгина ўлакса, конни, тўнгиз гўштини ва Аллохдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина харом килди. Энди кимки золим ва хаддан ошмаган холида, ночор вазиятда колса, гунохкор бўлмайди. Албатта Аллох магфират килувчи, рахимдилдир" (Бакара сураси-172-173).

Мўминларга хол бўлган бу амр билан Аллох таоло ўзларига эхсон пок нарсалардан ейишга ва эвазига шукр килишликка буюради. Айни пайтда мазкур ояти каримада ва яна бошка бир неча оятда эслатиб ўтилган бу тўрт нарсадан бошкасини харом килинмаганлиги очик билдирилади. Харомларнинг бу тўрт қисмида бирлашгани куйидаги ояти каримада ҳам таъкидланмоқда:

"Айтинг: "Менга вахий килинган Куръонда ейдиган киши учун харом килинган нарсани кўрмаяпман. Магар ўлакса ё тўкилган кон, ёки тўнгиз гўшти бўлса-чунки у харомдир-ёхуд Аллохдан ўзга учун аталган фосикпик бўлса (харомдир). Бас, ким золим ва тажовузкор бўлмаган холда музтар бўлиб колса (масалан, очликдан ўлмаслик учун у нарсалардан ейиш билан гунохкор бўлмас), Зеро Парвардигорингиз магфиратли, меҳрибондир".

Куръони Каримнинг Моида сурасида эса харомлар ўзининг янада кенг ва очик ифодасини топган:

"Сизларга ўлакса, кон, тўнгиз гўшти, Аллохдан бошка бировнинг йўлида сўйилган нарса, бўгилиб ўлган, уриб ўлдирилган баланд жойдан кулаб ўлган, (бошка бирон хайвон билан) сўзишиб ўлган ва йирткич хайвон тишлаб ўлдирган жониворлар харом килинди. Магар (бу жониворларни жони чикмасдан туриб) сўйиб юборишга улгуриб колган бўлсангиз, халолдир. Яна бутларга атаб сўйилган хайвонлар (гўштини истеъмол килиш) ва (фол) чўплардан қисматингизни сўрашингиз (хам сизларга харом килинди)" (Моида сураси - 3).

Харомларнинг сонини ўнтага чиқарган бу оят билан тўрт қисм бўлиб эслатган аввалги оятлар ўртасида ҳеч бир карама-каршилиқ йўқ. Факатгина кейинги оят олдинги оятларга тафсир бўлиб келган. Зеро, бўгилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан кулаб тушган, бошка бирон хайвон томонидан сузиб ўлдирилган ҳамда йирткич хайвонлар томонидан тишлиб ўлдирилган хайвонларнинг барчаси ўлимтик ҳисобланади. Бут ва санамлар пойида сўйилган хайвонлар ҳам Аллох таолодан бошкасига атаб сўйилганлар ҳукмида бўлиб харом саналади. Магарам шу ўринда харомлар асосан тўрт қисм, муфассал ўларок эса ўн қисмдан иборат деган хулосага келиш мумкин.

## ЎЛИМТИКНИНГ ХАРОМ БЎЛИШИ ВА ХИКМАТИ

Харом сифатида оятларда очикча билдирилган илк нарса ўлимтиқдир. Яъни, бу дегани инсон тарафидан кўли билан сўйилмаган ва ов килинмай туриб ўлган хайвон ёхуд куш демақдир.

Замоний илм ва ақп ўлимтиқнинг харом эканлигини ва ундан фойдаланиш ноўрин бир иш эканлигини шубҳасиз тан олади ва тасдиқлайди. Бу ўринда ҳеч иккинланмай айта оламизки, бунинг бир канча хикматлари бор. Бу хикматларни куйидаги тартибда санаб ўтиш мумкин:

а) соғлом яратилишда бўлган хар қандай киши ўлимтиқдан ҳазар ва нафрат этади. Ахли соғлом бўлган бутун инсонлар ўлимтиқ ейишликни кишилиқ мавқеини тубанлаштирадиган бир иш деб ҳисоблайдилар. Шу сабабдан ахли китоб бўлган бутун миллатлар (сўйиш шакли қандай бўлишидан қатъий назар) сўйилган хайвонлардан бошқасини емаганлар ва ўлимтиқни харом деб билганлар.

б) яна бир хикмати шундаки, мусулмон киши хар бир ишни ният ва ирода билан бажаришга ҳаракат қилади. Нияти ва кучини қўлламай туриб бир нарса ёхуд бир мевани қулга киритишни ўйламайди. Зеро хайвонни ўлимтиқ бўлиб қолишидан асраган сўйишлиқдан мақсад емоқлик ниятида хайвон руҳини жасаддан чиқарилишлиғидир. Яъни, бу ишда бир ният ва унга сарф этилган қуч мавжуддир. Бу жихатни ирода сарф этилмай қўлга киритилган хар нарсанинг харом бўлгани қаби ўлимтиқ ҳам харомдир. Сўйилган ва овланганларда эса маълум бир ният ва иш қучи воситаси бўлади.

в) ўз-ўзидан ўлган бир хайвон эҳтимол юқумли бир касаллик ёхуд зарарли бир ўтқи ва шуга ўхшаш сабабдан ўлгандир. Шунингдек, заифлик ва қучсизликдан ўлган хайвонлар ҳам бўлади. Бутун бу ҳолатларнинг зарарли эмаслиғига ҳеч қим қафолат бера олмайди.

г) Аллох таоло инсонларга ўлимтиқни харом қилишлиқ билан бошқа хайвон қушларга (рахмат сифатида) ўлимтиқдан озикланишларини таъминлагандир. Зеро, Қуръони

Каримда таъкидланганидек ҳайвонлар ва қушлар ҳам инсонларга ўхшаш алоҳида-алоҳида миллат ҳолидадирлар. Бу ҳолат чўл ва саҳроларда, ҳайвон ўлим-тиклари қўмилмай қолган очик ерда янада яққолроқ қўзга ташланади.

д) бу ишни яна бир ҳикмати шундаки, инсон ўзи эга бўлган бир ҳайвонни қўлдан чиқаришни, ўлим чанғалига тушишлигини истамайди, у қучсизланса ё касалланса даволашга, азоб панжасидан қутқаришга ва бу йўл билан ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

### **КОННИНГ ҲАРОМ БЎЛИШЛИГИ**

Ҳаромларнинг иккинчиси: оққан қондир. Ибн Аббос (р.а.)дан талақнинг ҳалол ёки ҳаромлигини ҳукми сўралганда "енглар" деди. Сўнгра у қон эканлигини ҳабар берганларида шундай деди: "Сизга ҳаром қилинган нарса- оққан қондир. Бунинг ҳаром қилинишининг ҳикмати ифлос эканлигида ва пок хилқатли инсон табиатининг у нарсани қабул қилмаслигидир. Айни пайтда у ўлимтик сингари зарарлидир,

Жоҳилият даврида араблар оч қолганларида учли ёки қесқир бир нарса олиб ҳайвонларга суқар ва унинг оққан қонини йиғиб ичар эдилар. Бу ҳақда жоҳилият даври араб шоири Аъшо шундай ёзади: "Эҳтиёт бўл, ўлимтикка яқинлашма, Қесқир суқар ила асло қон оқизма". Бундай қон оқишликлар ҳайвонларга азийт ва зарар қелиши туфайли Аллоҳ таоло уни ҳаром қилгандир.

### **ЧЎЧКА ГЎШТИ**

Ҳаром қилинганлардан учинчиси чўчка гўшtidир. Ҳа, бу ҳусусда соғлом табиатли инсонлар ҳар нарсадан аввал, уни ифлослигини биладилар, ундан нафратланадилар ва ундан узок турадилар. Чунки у ҳайвоннинг бирдан-бир севимли озукаси аҳлат ва ифлосликдир. Замонавий тиббиёт илми бутун иқлимларда, ҳусусан, иссиқ ўлкаларда чўчка гўштининг жуда зарарли эканини исбот этди. Илмий тажрибалар чўчка гўшtidа

Ўлдирувчи трихин микроби ва бошка бир канча зарарли бактериялар борлигини кўрсатади. Ким билади, балки келажакда илм ва фан харом килишликнинг хикматлари хакида бизга билганларимиздан ҳам кўпрок хакикатларни кашф этар. Аллох таоло ўз расулини васф ва таъриф килар экан канчалар хак ифода этмиш:

"У (пайгамбар) ...пок нарсаларни уларга (инсонларга) харом килади" (Аъроф сураси-157).

Яна бу хусусда бир канча тадқиқотчилар муттасил чўчка еган кишиларда рашк килиш туйгусининг йўқола боришини кузатилганини хабар берадилар.

### **АЛЛОХ ТАОЛОДАН БОШКАГА АТАБ СЎЙИЛГАН КУРБОНЛИКЛАР**

Харомларнинг тўртинчи -кисмига Аллох таолодан бошкага атаб сўйилган яъни, забх килинаётган бут ва шунга ўхшаш нарсаларнинг номи зикр этилган хайвонлардир. Бутпарастлар курбонлик сўяётганларида Лот, Уззо деб номланган санамлари исмларини тилларига олар эдилар. Бу эса Аллох таолодан бошкага ибодат этиш демакдир. Бу нарсалар харом килинишлигининг сабаби, тавхид инончини сакланиши, иймон мавзусининг хар хил шубхали нарсаларнинг халос этилиши ва хар кандай холатда куфр ва бутпарастликка карши жиход эълон килишнинг таъминланиши учун факат диний гоёга асосланади.

Инсонни яратган, ер юзидаги яратган борликпарни унга бўйинсундириб кўйган Аллох таоло Ўз исмини зикр этишлик шарти билан инсонларга хайвон сўйиб ундан фойдаланишга рухсат бергандир. Аллох таолонинг исмини у аснода зикр этишликнинг маъноси, бу иш факат Аллох таолонинг изни ва ризоси билан амалга оширилганини эслатиш демакдир. Курбонлик сўйиш асносида Аллох таолодан бошканинг исми зикр этилдими ўртада Аллох таолонинг изни ва ризосидан хеч нарса колмайди ва бу тарика сўйилган курбонликдан мархрум бўлинади."

### **ЎЛИМТИК ТУРЛАРИ**

Юкорида санаб ўтилган тўрт ҳолат харомларнинг қисқача баёнидир. Аввал таъкидлаганимиздек Моида сурасидаги ояти карима уларни ўн қисмга бўлиб зикр этади (биз юкоридаги тўрт қисм харомни назарда тутган ҳолда давом этамиз).

Бешинчи ўларок: Бўғилган ҳайвон ип, аркон ва шунга ўхшаш жисмлар билан бўйнидан бўғилган ҳайвон... Бошини тор бир тешикка сукиб қайтиб чиқара олмай ўлган ҳайвон ҳам шу ҳукмдадир.

Олтинчи: Таёк ва шунга ўхшаш каттик бир нарса билан урилиб, ўлдирилган ҳайвон...

Еттинчи: Баланд бир жойдан кулаб ўлган, шунингдек бир чуқур ёхуд қудуққа тушиб ўлган ҳайвон...

Саккизинчи: Бошқа бир ҳайвон томонидан сузилиб ўлган ҳайвон...

Тўккизинчи: Бир қисми йиртиқич ҳайвон томонидан ейилиб ўлган ҳайвон...

Аллоҳ таоло Куръони Каримда охириги беш харомни зикр этгандан кейин "жонлари чикмай туриб улгириб қолиб сўйганларингиз мустасно" ҳукмини билдирмоқда. Яъни ўлим чангалидаги бу ҳайвонларни жонлари чикмай туриб сўйиб қолишга улгирган тақдирда (Бу ҳақда қуйироқда батафсил тўхталамиз) уларни ўзимиз учун ҳалолга айлантирган бўламиз.

Бу ифоданинг шу нарса маълум бўладигани, мазкур ҳолатдаги ҳайвонга сўйишга улгириб қолиш унинг ҳалол бўлишига учун етарлидир. Ҳазрат Али (р.а) шундай деганлар: "Бир нарса билан урилган, баланддан қулаган ёхуд сузилган ҳайвонни ҳали қўл оёғи кимираб турар экан сўйишга улгурсангиз, у сиз учун ҳалол бўлди".



Даххак эса шундай мархамат килади: "Жохилият даврида юкорида санаб ўтилганларнинг ҳаммаси ейиларди. Бунинг устига Аллох таоло улгириб сўйилганлар истисно, уларни харом килди. Оёги, куйруги ёки киприги ҳаракат этиб турган хайвон эса улгириб сўйилган тақдирда халолдир.

### **МАЗКУР ХАЙВОНЛАРНИНГ ХАРОМ БЎЛИШ ХИКМАТИ**

Юкорида санаб ўтилган ҳоллатда ўлган хайвонларнинг харом килинишидаги хикмат: уларнинг зарарли эканлигидан ташқари, юкорида айтиб ўтилган хусуслардир. Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам кўзга ташланмоқда; хикмат эгаси бўлган Аллох таоло бу билан инсонларни хайвонга эътибор беришликка, уларни раҳм ва шафқат билан парвариш қилишликка ва асраб авайлашликка буюрмоқда. Хайвонларни бўғилиб азобланишига, тепаликлардан тушиб ҳалок бўлишига, уларнинг жонлари чиққунча бир бири билан сузишиб уришишларига сабабчи бўлиш шафқатсизликдир. Яна тошбагир баъзи чўпонлар каби кўл остидаги жониворларни ўлгудек дўппослаш ҳам жоиз эмас. Хайвонларни ҳавоий нафслари учун уриштириб қўйиб уларнинг ўлим ҳолатидан лаззатланиш эса ҳеч қачон инсонийликка тўғри келмайди.

Шу сабабдан уламолар бир хайвон сўйиладиган жойи - бўйнидан шохланган ҳолда кон окса ҳамки, сузишиб ўлиб қолса унинг харом бўлиши айтганлар. Менимча бу ҳукмдан мақсад хайвонларни жони чиққунча уришадиганларга шу йўл билан жазо бериш бўлса керак.

Ўирткич хайвонлар томонидан парчалаб ташланган хайвон жасадларининг харом қилишининг энг биринчи сабаби ва хикмати: хайвон ўлимтикларини ейишдан инсонлик шарафига ярашмаган бир ишнинг қишларни манъ этиш билан унинг энг олий мавжудот эканлигини яна бир бор эслатмоқдир. Жоҳилият даврида инсонлар хайвонлардан ортиб қолган ўлимтикларни ейишарди. Бунга муқобил ўларок Аллох таоло бу ишни мўминлар учун харом қилди.

### **ТИКИЛГАН ТОШЛАР (БУТ, ХАЙКАЛЛАР) ПОЙИДА СЎЙИЛГАН КУРБОНЛИКЛАР**

Харом килинганларнинг ўнинчиси эса, тикилган тошлар пойида сўйилган қурбонликлардир. Тикилган тошлардан мақсад Аллохдан бошқа ибодат қилишлик учун тош хайкал ёхуд бут, санамлар сингари ерга тикилган нарсалардир. Каъбанинг атрофида бунга ўхшаган тошлар мавжуд бўлиб, жохилият даври қишилари илох ва бутларига яқинлашиш ниятида бу тошлар пойида қурбонлик сўяр эдилар.

Бу эса Аллох таолодан бошқага аталган қурбонликларнинг бир кўриниши эди. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам шайтонни улуглаш бордир. Орадаги фарқ эса шундай: Аллох таолодан бошқага атаб сўйилган қурбонлик бутдан узок жойда сўйилади, аммо бутнинг номи зикр қилинади, тикилган тошга қурбонлик эса бут ёхуд тошлар пойида, баъзан устида сўйилади. Ҳар икки ҳолат ҳам моҳият эътибори ила Аллох таоло ширк келтиришдир.

Бу тошлар Каъба атрофида турган вақтида инсонлар қурбонликларни буларнинг устида сўярдилар ва бу Каъбага ҳурматсизлик эди. Аллох таолонинг қаломи бўлмиш Қуръони Қарим бу ишни харом, деб эълон қилиши билан маъзур ҳолатга барҳам берилди.

### **БАПИК ВА ЧИГИРТКАЛАР ЎЛИМТИК ХИСОБЛАНМАЙДИ**

Ислом шариати харом бўлган ўлимтиклардан балик ва шунга ўхшаш сув ҳайвонларини мустасно қилгандир.

Имом Аҳмад ва бошқалар ривоят қилдиларки, Расулulloх (с.а.в)дан денгиз суви ҳақида сўраганларида шундай жавоб бердилар: "Суви тоза, ўлиги (ўлик ҳайвонлари) ҳалолдир".

Қуръони Қаримда эса шундай марҳамат қилинади:

"Сизларга ўзингиз ва бошқа мусофирлар фойдаланиши учун денгиз (сув) ови ва унинг емишлари (яъни, сизлар овламай ўзи соҳилига чиқиб қолган нарсалар) ҳалол қилинди". (Моида сураси- 96).

Ҳазрати Умар (р.а.) бу оятлар тафсирида айтадилар: Ови - ўзидан овлаган емиши эса ичига туширилган нарсадир.

Ибн Аббос (р.а.) эса буни "Емиши - ичидаги ўлик ҳайвонларидир" тарзида тафсир қилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ўз "Саҳих"ларида Жобир (р.а.)дан қилинган ривоятда шундай дейилади:

Расулulloх (с.а.в.) саҳобалардан бир гуруҳини жангга юборган эдилар: Улар денгиз соҳилга чиқариб ташлаган катта бир ўлик баликка дуч келдилар. Йигирма кундан кейин Мадинага келиб Расулulloх (с.а.в.)га хабар берганларида Расули Ақрам (с.а.в.) айтдилар:

"Аллох таоло сизга чиқарган ризқлардан енглар. Агар бўлса бизга ҳам едиринглар. Ундан биров келтирдилар, Расулulloх (с.а.в.) татиб қўрдилар". (Баъзи фуқоҳалар бу хусусда дейдиларки: Бир ҳайвоннинг ейилиши учун сўйилган вақтида жонли бўлиши шартдир. Бунинг аломати эса; қон оқиши ва шиддатли ҳаракатидир.)

Чигирткалар ҳам денгиз ўлиги қабидир. Расулulloх (с.а.в.) чигирткалар ўлигини ейишга изн берганлар.

Чунки уни сўйиш мумкин эмас.

Ибн Можадан ташқари ал-Жамоанинг риаоятида Ибн Авфа (р.а.) шундай деган: "Пайгамбар (с.а.в.) ҳазратлари билан бирга етти марта уруш учун сафарга чиқдик ва чигиртка едик".

## ЎЛИМТИК ТЕРИСИ, СУЯГИ ВА ЖУНИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўлимтикнинг харом килиниши унинг ейилишига тааллуқлидир. Унинг териси, шох, суяги ва жунидан фойдаланиш мумкин ва хаттоки зарур. Чунки зое кетказиш жоиз эмас.

Ибн Можадан ташкари ал-Жамоанинг ривоятида Ибн Аббос (р.а.) шундай деган: Мўминларнинг онаси Маймунанинг жориясига бир эчки садака килиб берилганди ва у ўлиб колди. Бундан хабар топган Расулulloх (с.а.в.): "Унинг терисини нима учун олмадингиз? Уни ошлаб туриб фойдаланар эдингиз"-дедилар.

-У ўлган эди, дедилар. Расулulloх (с.а.в.): "Унинг факат ейилиши харом килинди"-дедилар.

Расулulloх (с.а.в.) бу билан ўлик хайвонлар терисини тозалаб фойдаланишга кўрсатма берди. Фойдаланишнинг йўли ошлашлиқдир. Довуд ва Насоий ривоят қилган хадиси шарифда мархамат килинади: "Покиза килиш учун терини ошлашлиқ, хайвонни халоллаш учун сўйиш қадар шартидир" Хоқим (р.а.) ривоят қилган бир хадисда эса: "Уни ошлашлиқ ифлослигини кетказди" дейилган.

"Саҳих" Муслимда келган бир хадисга кўра эса "ошланган хар қандай тери покиза ҳисобланади".

Бу ифодалар умумийдир ва хар қандай турдаги терига тааллуқлидир. Ит ва тўнгиз териси ҳам шу ҳукмга тобе. Бу Зоҳир аҳлининг фикридир. Имоми Юсуфдан ҳам шунга ўхшаш ривоят келтирилади. Шайқий (р.а.) ҳам бу хусусда айни шу фикрда.

Бухорийдан қилган ривоятда мўминларнинг онаси Савдо (р.а.) дейдики: "Бизнинг бир эчкимиз ўлган эди ва терисини ошлаган эдик. Ҳозир ҳам сувнинг таъминини яхши сақлашлиги учун унга сув ва хурмо кўри тўлдираамиз".

## ЗАРУРАТ ХОЛЛАРИ ИСТИСНО КИЛИНАДИ

Юкорида санаб ўтилган бутун харом ҳукмлари одатий ҳолатига тегишли. Аввал ҳам таъкидлаганимиздек оддий ҳолатлардан ташқари зарурат ҳоллари ҳам бордир на бундай ҳолларга доир махсус ҳукмлар мавжуд. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

"Магар музтар бўлиб қолган ҳолингиздагина (у нарсалардан ейишингиз мумкин)" (Анъом сураси-119).

Ва яна ўлимтик, қон ва шунга ўхшаш бошқа харомларни очик қилингандан сўнг Аллоҳ таоло бандаларига шундай лутф қилади:

"Энди қимқи золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса гуноҳкор бўлмайди. Албатта Аллоҳ мағфират қилгувчи, раҳмдилдир". (Бақара сураси-173).

Иттифок ила қилинган бу зарурат очлик ҳолатидаги заруратдир. Баъзи фикх уламолари бир қунлик муддатдан сўнг харомларнинг гўштидан бошқа егулик нарса топа олмаса, инсон ўзини ўлимдан қутқариб қолиш учун қифоя қиладиган даражада харом бўлган емақлардан ейиши мумкин, деб шарт қўйганлар. Имом Молик дейди: "Бу ҳолатдаги киши ундан тўйгунча ейиши мумкин ва ортиб қолганини бошқа халол егулик топгунига қадар саклаб қўйиши мумкин" ояти қаримадаги; "Бошқанинг ҳаққига қўл узатмаслик ва зарурат миқдорини ошмаслик" ифодасининг зохирий маъноси балки шудир. Қуръони Қарим очлик заруратини ҳам очик бир далил билан изоҳ етгандир:

"Бас, қимқи, очарчиликда, гуноҳ томонга олмаган ҳолида (мазкур харом қилинган нарсаларнинг ейишга) мажбур бўлса (Аллоҳ кечиради). Зеро, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир" (Моида сураси-3).

## ДОРИ ЗАРУРАТИ

Яра ва касалликнинг давоси факат бу харомларнинг бирининг қўлланишига боғлиқ бўлиб колган холат хакида фукахоларнинг фикрлари турличадир. Баъзилар даво заруратини очлик зарурати кадар муҳим деб билмайдилар ва далил сифатида Имом Бухорий Ибн Масъуддан ривоят килган шу хадисини келтирадилар:

"Аплох таоло шифоларингизни сизга харом килинган нарсаларда колдирган эмасдир".

Баъзилар эса даволаш заруратини очлик холатидаги сингари зарурий деб биладилар. Зеро хар иккиси хам хаётнинг давомийлиги жихатидан муҳимдир. Бундай караш тарафдорлар эса Расулulloх (с.а.в.) ипак умуман харом эканлигини билдирган холда кичима касаллигига чалинган Абдуррахмон ибн Авф ва зубайр ибн Аввом (р.а.) ларга ипак кийим кийишга рухсат берилганлигини далил сифатида кўрсатадилар. (Бу хакда "Кийим ва безак" бўлимида батафсил сўз юритамиз).

Балки бу фикр ўзининг хар васият ва дастурида инсон хаётини биринчи ўринга кўядиган Ислом динининг умумий рухига янада якиндир.

Аммо харом бўлган бир нарсани дори ўларок қўллашликнинг баъзи шартлари бор:

1. Буни қўлланмаганлари такдирда инсон хаёти ва саломатлигининг жиддий бир хавф остида бўлишлиги;

Унинг ўрнини боса оладиган халол бир дорининг йўклиги;

Бу дорини дин ва иймонига содик, ишончли мусулмон бир шифокорнинг тавсия килишлиги... Шу ўринда хаётий ва илмий далилларга асосланган холда шуни таъкидлаймизки: Бу харомлардан бирини дори сифатида фойдаланишга мажбур

киладиган ҳеч бир тиббий зарурат мавжуд эмас. Факатгина биз бу харомларнинг бошқа нарсалар бўлмаган жой ва минтакаларда яшайдиган мусулмонлар учун эҳтиёт сифатида фатво ҳукмини бераяпмиз.

## **ЗАРУРИЙ ЭҲТИЁЖЛАРНИ КОНДИРА ОЛАДИГАН БИР ЖАМИЯТДА ЯШАЙДИГАН БИР ШАХС ХАРОМНИ КЎЛЛАМАЙДИ**

Инсоннинг факат ўз ерида ва ўз ўлкасида егулик тополмаслиги харомлар кўллаши учун бир зарурат бўла олмайди. Зеро, мусулмон ёхуд зиммий ўз жамиятида яшаган шахсларда заруратни кондира оладиган даражада озик-овкат захираси бор бўлгани такдирда харомни ейишга мажбур саналмайди. Чунки: Ислом жамоати бир вужуд ёхуд бир бирини тутиб турган соғлом бино каби, бир бирларининг дарди ташвишлари билан кизиккан, уларни бахам кўрган бир жамият сифатида ажралмас бир бутунликни ташкил қилади.

Бу ўзаро ижтимоий ҳамкорлик ва ёрдамлар хусусида Ислом ҳуқуқчиларидан Ибн Ҳазм дейдики: "Мусулмон ва ё зиммий бир дўстининг кўлида захира озик-овкат бўла туриб ўлимтик ёхуд чўчка гўшти ейиши мумкин эмас. Чунки очни тўйдириш мол ва овкат эгаси учун фарздир... Бундай бир ҳолатда ўлимтик ёки чўчка гўшти ейишлик зарурат ва мажбурият ҳисобланмайди. Овкат эгаси ортикча емакни ўз ихтиёри билан бермаса у холда куч ишлатиб тортиб олиш мумкин. Агар ўлдирилса, ўлдирганнинг жазоси касосдир. Агар овкат сохиби ўлдирилса, Аллох таолонинг лаънатиға мустахик бўлади. Зеро бир ҳакни манъ этган ва Куръони Каримға кўра тажаввузкорлар жумласиға қиради:

"Агар улардан бирови иккинчисининг устиға тажаввуз қилса, бас то (тажаввузкор тоифа) Аллохнинг амриға қайтгунича сизлар тажоввуз қилган (тоифа) билан уришинглар!" (Хужурот сураси-9).

Ҳакни манъ этиб, ҳақдорға бермаган киши шариат черасидан чиккан ва ҳақ сохиби бўлган биродарига тажаввуз қилган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳазрати Абу Бакр Сиддик (р.а.) закотни бермаганларға қарши куч ишлатиб, уришган эди (Ал-Михали Ибн Ҳазм 6 ж. 159 с.).

## ШАРЪИЙ СЎЙИШ. ХАММА СУВ ХАЙВОНЛАРИ ХАЛОЛДИР

Яшаган жойлари жихатидан хайвонлар сув ва куруклик хайвонлари ўларок иккига бўлинади.

Сув хайвонлари, яъни сувдан бошка ерда яшай олмайдиган хайвонларнинг хаммаси каерда ва кандай бўлишидан катъий назар халолдир. Тури кандай бўлса бўлсин, уни тутган хох мусулмон, хох гайри дин бўлсин, хайвоннинг тирик ёхуд ўлик эканлигига эътибор саналади. Аллох таоло маълум бир кисмини харом килмасдан ва бошка хайвонларда бўлгани каби шаръий сўйишлик шартини кўймасдан бутун денгиз хайвонларининг халол эканлигини билдириш билан бандаларига осонлик ва эркинликни таъмин этгандир. Хатто иложи борича хайвонга азоб бермаслик шарти билан уни кўлга олиш учун инсонга хар кандай воситадан фойдалана олиш имконини бергандир.

Аллох таоло бу хусусда шундай мархамат килади:

"У сизларга янги гўшт (яъни, балик гўшти) ейишларингиз ва такадиган такинчокпар чиқариб олишларингиз учун (сизларга) денгизни хам бўйинсундириб кўйган зотдир " (Нахл сураси-14).

Ва бошка бир ояти кармада эса шундай дейилади: "Сизларга ўзингиз ва бошка мусофирлар фойдаланиши учун денгиз (сув) ови ва унинг емишлари

(яъни сизлар овламай ўзи сохилига чикиб колган нарсалар) халол килннди" (Моида сураси-96).

Аллох таоло бу хукмларни шу тарзда умумлаштиради: "Сенинг Роббинг хеч нарсанинг унутмагандир".



## КУРУКЛИК ХАЙВОНЛАРИДАН ХАРОМ БЎЛГАНЛАРИ

Юкорида зикр этилган ояти каримада эслатиб ўтилгани каби Куръони Карим куруклик хайвонлари орасида хос ўларок чўчкадан бошқасининг харом эканлигини билдирмаган (ўлимтик хайвон, кон ва Аллох таолодан бошкага атаб сўйилган қурбонликлар бундан мустасно).

Лекин пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) ҳақларида Куръони Каримда шундай дейилади:

"У пайгамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун халол қилиб, нопок нарсаларни уларга харом қилади". (Аъроф сураси-157).

Ўлимтик нарсалар баъзи мункирлар томонидан қанчалик хуш кўрилмасин, соғлом ақл ва туйғуга эга бўлган инсонлар наздида ифлос ва манфур бўлган нарсалардир.

Шунингдек, Имом Бухорий ривоят қилган бир ҳадисга кўра "Ҳазрати пайгамбар (с.а.в.) Хайбар қунида миғналадиган хайвонларнинг ейилишини таъқиқлади".\*

\*Баъзилар айтадиларки: Миғналадиган хайвонларнинг гўштини харом қилишининг сабаби, вақтинчалик ва маълум бир сабабларга кўрадир. У ҳам бўлса, Хайдар қунида марқабларнинг миғнаш эҳтиёжидир.

Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг "Саҳих"ларида ривоят қилинишича "Расулulloх (с.а.в.) йирткич хайвонларнинг озиқ тишлари ва қушларнинг гўштини ейиши таъқиқланган". Бу ерда йирткич хайвондан мақсад: арслон, қоплон ва бўри сингари; қушлардан мақсад эса: бургут, лочин, қалхат ва шунга ўхшаш йирткич тирноқли қушлардир.

Ибн Аббос (р.а.) фикрича Куръонда зикр этилган тўрт нарсадан бошқаси харом эмас.

Балки у йирткич хайвонларнинг ейилишининг таъкикланган хадисларда харом эмас, карохат назарда тутилган деган фикрда бўлгандир ёки бундай хадислар унга етиб бормагандир. Абу Довуд Ибн Аббос (р.а.) дан шундай ривоят килади:

"Ибн Аббос дейдики: Жоҳилият даври араблари баъзи нарсаларни ер, баъзиларини эса ёмон кўрганликлари учун емас эдилар. Кейин Аллох таоло пайгамбарларини юборди, халол ва харомни кўрсатган китобини туширди: У халол килган нарса - халол, харом килган нарса - харомдир. Ҳаққида бирон ҳукм билдирилмаган нарса эса бағишлангандир. Ва шу оятни ўқиди:

"Айтинг: "Менга ваҳий килинган Куръонда ейдиган киши учун харом килинган нарсани кўрмаяпман. Магар ўлакса ё тўкилган кон, ёки тўнгиз гўшти бўлса - чунки у харомдир, - ёхуд Аллохдан ўзга учун аталган фосиклик бўлса (харомдир). Бас, ким золим ва тажовузкор бўлмаган холда музтар бўлиб колса (масалан, очликдан ўлмаслик учун у нарсалардан ейиш билан гунохкор бўлмас), Зеро Парвардигорингиз магфиратли, меҳрибондир" (Анъом сураси - 145).

Бу оятга асосланиб Ибн Аббос миғиладиган хайвонларнинг гўштини халол деб билди.

Имом Молик ҳам Ибн Аббос билан бир хил карашда. У йирткич ва шунга ўхшаш хайвонлар харом эканлигини айтмаган, уларнинг макрух эканлиги ҳақида фикр билдирган.

Шаърий сўйишлик харом бўлган хайвонларнинг гўштини халолга айлантормади, фақат ошлагга эҳтиёж бўлмаган холда мазкур хайвонларнинг териларининг халол бўлишлигига таъсир килиши мумкин.

## **УЙ ХАЙВОНЛАРИНИНГ ХАЛОЛ БЎЛИШИ УЧУН ШАЪРИЙ СЎЙИШ ШАРТДИР**

Ейилиши халол бўлган куруклик хайвонлари икки қисмга бўлинади:

1- Туя, сигир, қўй ва шунга ўхшаш уйда бокиладиган хайвонлар билан бирликда товук, кабутар ва уларга ўхшаш тутилиши мумкин бўлган хайвонлар.

2- Тутилиши мумкин бўлмаган хайвонлар...

Ислом биринчи қисмга киритилган хайвонларнинг халол бўлишлиги учун шаръий сўйишни шарт қилгандир.

## ШАРЪИЙ СЎЙИШЛИКНИНГ ШАРТЛАРИ

Шаръий сўйишликнинг бир канча шартлари бор:

Хайвонларнинг қон оқитадиган ва томирларини кесадиган ҳоҳ тошдан ҳоҳ ёғочдан бўлган ўткир бир олат билан сўйилиши... Имом Аҳмад, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Ҳаким ва Ибн Хиббонлар ривоят қилишларича Адий ибн Хотим ат-Той дедик: "Эй Расулуллоҳ! Биз ов қилганимиздан сўнг уни сўйиш учун тош ва қамишдан бошқа нарса тополмаяпмиз". Расулуллоҳ (с.а.в) жавобан шундай дедилар:

- "Аллоҳнинг номини зикр этиб истаган нарсанг билан қонини оқиз".

Хайвоннинг томоғидан ёки бўйнидан ўлдирилиши... яъни, бунда бўйин ёки томоқдан кесиш билан хайвон мутлақо ўлган бўлади. Энг муқаммал сўйиш қизил ўнгачнинг ёки ҳар икки тарафда жойлашган шох томирларининг кесилиши билан амалга ошади.

Мазкур шаклда сўйишнинг имкони бўлмаса бу шарт ўз ҳукмини йўқотади. Масалан: боши билан қудуққа тушган ва бўйни билан томоғидан сўйилишга имкони бўлмаган

хайвонларда бу шарт ўз кучини йўқотди ва уларга ов хайвонларига кўлланган усул кўлланилади. Бу ҳолат- да кўл етган ҳар қандай бир жойидан қон октириш қифоя қилади.

Имом Бухорий ва Имом Муслим (р.а.) лар ривоятларига кўра Рафойи ибн Хадид айтидики:

"Пайгамбар (с.а.в.) билан бир сафарга чиққан эдик. Туялардан бири қочди. Отимиз бўлмагани учун бир киши уни ўқ билан уриб ўлдирди. Шунда Расулulloх (с.а.в.) айтдилар: "Бу хайвонларда ёввойи хайвонларнинг одати бордир. Шундай бўлиб қолган тақдирда сиз ҳам айнан шундай қилинг".

- Аллох таолодан бошқа ном зикр қилинмаслиги... Бу хусусда бутун уламолар иттифок қилганлар.

Зеро жоҳилият даврида инсонлар илоҳ ва бутларига яқинлашиш тушунчаси билан қурбонлик келтирганларида бутларининг ва илоҳларининг исмини бақирган ҳолда тилга олар эдилар. Шунингдек, тикилган тошлар устида ҳам айни шаклда хайвон сўярдилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек Қуръони Қарим "Аллоҳдан бошқага аталган... тикилган тошларга" ифодасига ургу бериш билан бутун бу ишларни харом қилгандир.

- Хайвон сўйилар экан, Аллох исмининг зикр қилинишлиги... Бу ҳукмларнинг энг очигидир. Қуръони Қаримда бу хусусда шундай марҳамат қилинади:

"Бас, агар Аллохнинг оятларига иймон келтирувчи бўлсангизлар, Аллохнинг номи зикр қилинган нарсалардан (яъни, Аллохнинг номи айтилиб сўйилган хайвонларнинг гўшtidан) еяверинглар" (Анъом сураси - 118).

"Аллохнинг номи зикр қилинмаган нарсалардан емангиз! Зотан, бу иш итоатсизликдир" (Анъом сураси - 121).

Имом Бухорий ва бошқалар қилган ривоятда Расулулох (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар:

"Аллох таоло исми зикр қилиниб қони оқизилган хайвонларнинг гўштини енглар".

Ўргатилган ов итини қўйиб юбораётганда ёки қилоннинг тепқисини босаётганда "Бисмиллаҳ" дейишлик ҳусусидаги саҳих ҳадислар ҳам бу шартлар ижобидир.

Баъзи уламолар айтадики: Сўйишда Аллох таолонинг исмини тилга олишлик воз кечиб бўлмайдиган бир шартдир. Аммо бу фақатгина хайвонлар сўйилиши асносида бўлиши шарт эмас. Зеро ейилаётганда "Бисмиллаҳ" дейишлик қифоядир. Бу тариқа, емакдан аввал "Бисмиллаҳ" деган қилини, устида Аллох таоло исми зикр қилинмаган нарсани емаган бўлади. "Саҳих"и Бухорийда ҳазрати Ойишадан ривоят қилинадики, бир қавм пайгамбар (с.а.в.) ҳузурига қелиб сўрадилар: "Баъзилар бизга гўшт олиб қеладилар. Бунинг устига Аллох таолонинг исми зикр қилинганми йўқми билмаймиз. Ундан ейликми ёки емайликми? Расулуллох (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Сиз Аллох таоло исмини зикр қилган ҳолда еяверинг".

## СўЙИШЛИК ХИКМАТИ

Тушунишимизча сўйишликнинг хикмати хайвонга азоб бермасдан энг қисқа ва осон йўл билан унинг руҳини чиқармоқликдир. Шунинг учун ўткир асбоб билан тамок ёхуд бўйнидан қесиш шарт қилинган. Чунки ўлимни энг тез таъмин этган нарса қескир олатдир. Руҳ осонликча чиқадиган жой томоқдир. Тиш ва тирнок билан сўйишлик динимизда қатъиян манъ қилинади. Зеро, бундай сўйиш хайвонни қийноққа қолади, қўпгина хайвонлар бўғилиб ўлади. Расулуллох (с.а.в.) сўйиш осон бўлиши учун пичоқни қарқашга буюрганлар.

Имом Муслим Шаддод ибн Авснинг ривоят қилган бир ҳадиси шарифда шундай дейилади: "Аллох таоло ҳар ҳусусда яхшиликни амр этган: ўлдирганингизда қиройли бир шаклда ўлдиринг, сўйганингизда, ҳам қиройли сўйинг, пичоқингизни аввалдан қарқашга сўнгра хайвонга яқинлашинг".

Ибн Умардан Ибн Можанинг ривоят килишича, Расулуллох (с.а.в.) пичокнинг чархланиб, хайвонлардан яширишини амр этиб шундай деганлар: "Хайвон сўяётган хар ким бу ишни дархол бажарсин".

Имом Бухорийнинг шартларига кўра саҳих деб қабул қилинган Ҳакимнинг Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадиси шарифда айтилишича, бир киши сўйиладиган хайвонни ётқизиб қўйиб пичогини чархлаётган эди. Расулуллох (с.а.в.) бу ҳолатни кўриб шундай дедилар: "Уни қайта-қайта ўлдирмокчимисан? Нега уни ётқизишингдан аввал пичогингни чархламадинг".

Абдураззоқ ривоят қилади: "Бир куни ҳазрати Умар бир кишининг сўйишга олиб бораётган хайвонни оёқларидан тутиб судраб бораётганини кўриб дедикки: Сенга нима бўлди ўзи? Уни ўлимга чиройли шаклда олиб бор!.."

Ҳа, яна бу масалада ҳам Ислоннинг олий раҳмат ва шафқатининг намоён бўлганини кўриб турибмиз. У ҳам бўлса, инсоннинг кучи етганича ва иложи борича хайвонга шафқатли бўлиши ва уни исканжадан кутқариб қолишдир.

Жоҳилият даври кишилари туяларнинг сиртини ва қўйларнинг қуйругини кесиб олар эдилар. Бу билан хайвонларга кўп азоб берар эдилар. Шунинг учун ҳам сўнг Расулуллох (с.а.в.) уларни огохлантириб бу қисмлардан фойдаланишни харом қилганлар.

Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий ва Ҳаким (р.а.)лар ривоят қилдилар: "Хайвон тирик бўлган ҳолда ундан кесиб олинган нарса ўлимтик ҳукмида бўлиб, харом саналади".

## **БЎГИЗЛАШЛИК АСНОСИДА "БИСМИЛЛАХ" ДЕЙИШЛИК ХИКМАТИ**

Бу аснодаги "Бисмиллаҳ" зикрининг нозик бир хикмати бор. Бир томондан бу

бутпарастларга карши чикиш ва мухолафатдир. Чунки улар курбонлик келтириш ва сўйиш асносида бутининг номини зикр килса, мўмин нега Аллох таоло исмини тилга олмасин?...

Яна бир томони шундаки, бу хайвонлар Аллох таоло яратган ва рухга эга бўлган жонзотлар бўлганлиги эътибори билан инсонларга тенг ҳолатдадир. Шундай экан, инсон қандай қилиб у хайвонларни ва ер юзидаги бутун мавжудотларни яратган Аллох таоло изни бўлмайд туриб уларга эгаллик қилиб рухларидан айира олади? Мана шу ўринда Аллох таоло исмини зикр этишлик, бу илохий изни очикча эълон қилмоқлик демақдир. Гўё сўйиш билан инсон шундай деган бўлади: Мен буни бу мавжудотларга душманлигимдан ва бу жонзотларни заиф кўрганимдан қилмаяпман. Мен фақат Аллох таоло исми билан кесаман. Аллох таоло исми билан овлайман ва яна Аллох таолонинг исми билан ейман...

### **АХЛИ КИТОБ (ЯХУДИЙЛАР ВА НАСРОНИЙЛАР)НИНГ ХУКМИ**

Сўйишлик хусусида Ислом кўрсатган эътибор ва муносабатни бир қадар билиб олдик. Араб ва бошқа миллатга мансуб мушриклар хайвон сўйишликни диннинг асли бўлган одат ва ҳатто масаласи даражасига кўтарганлар, тикилган тошлар ва илохларига атаб курбонлик қилишга бошлаганлар ва бу тарика хайвонларни курбонлик номи билан сўйиб уларга ибодат этганлар. Ислом қилиши биланок курбонлик асносида ва хар қандай ҳолатда Аллох таолодан бошқанинг номини зикр қилишни ман этади ва бу ишни харом деб эълон қилади.

Ахли китоб (яхудийлар ва насаролар) аслида тавҳидга ишонар эдилар. Аммо кейинчалик ораларига эски қуфрнинг қирадиган тамоман покланмаган баъзи мушрикларнинг қириши билан айни мушриклик аломатлари уларди ҳам кўрина бошлади. Шундай бўлса ҳам Аллох таоло ахли китоб билан сихриятда (қиз олишда)руҳсат этгани қаби уларнинг озик-овкатларини ҳам изн берганди. Куръони Каримнинг охирги туширилган оятларида бирида шундай марҳамат қилинади:

"Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар халол қилинди. Китоб берилган қимсаларнинг таомлари сизлар учун халолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун халолдир" (Моида сураси-5).

Бу оятнинг кискача тафсири: Бугун бахийра, сойба, васийла ва хомий бўлишликдан катъий назари пок бўлган хар нарса сизга халол килинди. Шу билан бирга ахли китоб бўлган яхудий ва насороларнинг таомлари хам (уларнинг асилларини кўзда тутган холда) сиз учун халолдир. Аллох таоло буни харом килган эмас. Сизларнинг овқатингиз хам уларга халолдир. Улар сўйган ёхуд овлаган хайвонлардан ейишингиз мумкин. Улар хам сиз сўйган ва овлаган хайвонлардан ея оладилар.

Ислом бу хусусда араб мушриклари билан муносабат масаласида каттик ва катъий, ахли китобга эса юмшок бир йўл тутган. Чунки вахийга, пайгамбарликка ва умумиятла диннинг аслига ишонганлари учун ахли китоб мўминларга яна хам яқиндир. Уларнинг емакларидан ейишлик, сихрият (улардан киз олиш) билан акроболик килишнинг ва улар билан муносабатда бўлмокликнинг кўп фойдалари хам бор. Чунки оримиздаги алокалар мустахамланиб борса, улар Ислом хакикати ва ахлокини уни яшаган мусулмонлардан ўрганадилар ва динимизнинг хар маънода энг комил шакилда, энг пок фикр билан яшаган, холда бутун ва бидъатлардан, нопок нарсаларнинг ва бутпарастларнинг одатларидан узок ўларок ўз динларининг асли эканлигини очикча кўрадилар.

"Ахли китобларнинг таомлари" ифодаси уларнинг хар турли таомларини ўз ичига олган кенг кўламли бир ифода бўлиб, улар сўйган хайвонлар, улар тайёрлаган таомлар ва хар турли ейишлик нарсалар (ўлимтик, кон чўчка гўшти бундан мустасно) биз учун халол хисобланади.

Шу ўринда мусулмонларни яқиндан кизиктирган ва хар бир мусулмон билиши керак бўлган баъзи хусусларни эслатиб ўтиш мақсадга мувофикдир:

### **1. ЧЕРКОВ ВА БАЙРАМЛАР УЧУН СЎЙИЛГАН ХАЙВОНЛАР**

Хайвонлар сўйилар экан ахли китобдан бўлган кишининг Масих, Азиз каби Аллох таолодан бошка бир исмни зикр этгани эшитилмаса унинг сўйгани халолдир. Аммо бошка бир номни зикр этгани эшитилса, у сўйган хайвонлар гўштини ейишлик харом бўлади. Чунки бу холат Аллох таолодан бошканинг номи зикр этилиб сўйилган холдир.



Баъзи олимлар айтадиларки: Аллох таоло уларнинг таомини бизга халол килган. Нима деганларини, нимани зикр килганларини ҳам У ҳаммадан яхшироқ билади.

Каркос деб аталган бир черков учун сўйилиб унга багишланган бир кўчкор тўгрисида Абу Дардога хабар бериб "ундан ейликми?", деб сўралганида у жавоб берди: "Аллохим ўзинг багишла; улар ахли китобдир. Уларнинг таоми бизга, бизники уларга халолдир" деди ва ейишга изн берди.

Имом Молик эса ахли китоб черков ва хавралар учун сўйилган хайвонлар хақидаги бир саволга шундай жавоб килди: "У харом эмас, аммо мен хуш кўрмайман".

Буни хуш кўрмаслиги, Аллох таолодан бошкага атаб сўйилган бўлиши мумкинлигининг андишасидан ва такводандир. Унинг Аллохдан бошкага атаб сўйилган деганда ахли китоб ўз илохларига якинлик ниятида сўйган ўзлари емаган хайвонларни назарда тутди.

Аммо сўйиб туриб еганлари эса уларнинг таомлари хисобланади. Аллох таоло марҳамат килганидек: "Китоб берилганларнинг таоми сизларга халодир" Шунинг учун ҳам Имом Молик уни харом деб билмаган. (Бу фатво, Имом Моликнинг таквоси хақида энг очик далиллардан биридир. Чунки, баъзиларнинг бугун килаётганлари каби дархол харом деб айтмаганлар, уни хуш кўрмайман дейишлик билан кифояланганлар. Бир-бирига карама-карши бўлган икки ифодани юкорида айтиб ўтилганидек бирлаштирганлар: Булардан биринчиси, Аллохдан бошқасининг номини олинишлиги... иккинчиси эса; ахли китоб таоми хукмидир...)

## II - ЭЛЕКТР ВА ШУНГА ЎХШАШ АСБОБЛАР БИЛАН СЎЙИЛГАН ХАЙВОНЛАР

Билиниши керак бўлган энг мухим масала шудир: Уларнинг сўйилиш шаклининг бизникидан бўлиши, яъни тамокнинг кесилиши шартми?

Ақисарият Ислом уламолари буни шарт деб биладилар. Моликий махабига мансуб бир жамоатнинг фатвосига кўра бу шарт эмас.

Моида сурасидаги оятнинг тафсирида Кози Ибн Арабий айтади: "Бу ахли китобнинг ов ва таомларини Аллох таоло пок, дея васф этганининг бир далилидир. Бу мутлако халолдир. Аллох таолонинг буни такрор этишлиги: бутун шубхаларни ўртадан кўтариш ва бузук тушунчадаги узундан - узок изохга сабаб бўлган эътирозларни йўқ этмак учундир. Товукнинг бўйнини узиб пиширган насронийнинг бу товукнинг ейилиши ва бизнинг уни олиб ейишлигимизнинг ҳукмини сўрадилар. Дедим- ки, ейилади, чунки у ўзининг, попларининг ва рохибларининг таомидир. У хар канча шаръий сўйилган саналмаса-да Аллох таоло уларнинг таомини мутлак суратда биз учун халол килгандир. Улар ўз динларида халол кўрган нарсалар биз учун ҳам халолдир. Аммо Аллох таоло уларни ёлгонлаган нарсалар бундан мустаснодир. Уламоларимиз дейдиларки, улар кизларини завжа сифатида бизга бермоқдалар, улар билан муносабатларимиз халол бўлади-ю, нима учун уларнинг сўйганларини емайлик? Холбуки харом ва халол бўлишда таом жинсий муносабатдан кўра пастрок мартабададир".

Бу Ибн Арабийнинг фикри. У бошка бир ўринда эса шундай дейди: "Бўғиш ёки бошига уриш йўли билан сўйиш нияти бўлмайд ўлдириб еган нарсалар ўлимтик ҳукмида ва харомдир." Бу икки фикр орасида ҳеч бир зиддият йўқ. Бундан мақсад бизнинг шаръий сўйишимизга тўғри келмаса ҳам уларнинг сўйилган сифатида қабул килган нарсалари халолдир. Уларнинг сўйилган сифатида қабул килмаган нарсалари эса бизга ҳам харомдир. Шундай экан, сўйишликнинг муштарак маъноси шудир. Бу ерда ейилишини халоллаштирмоқ нияти билан хайвоннинг руҳини чиқаришлик назарда тутилмоқда.

Бу Моликий бўлган бир жамоатнинг фикри-караши.

Юкоридаги мисоллардан келиб чиққан холда ахли китоб сўйган (хох электр билан, хох бошка асбоб билан бўлсин) товук, сигир ва шунга ўхшаш хайвонларнинг гўшти ва консервалари хусусида айта оламизки, ахли китоб буни сўйилган ва халол деб билган экан (бу хусусдаги оятнинг умумий руҳига мос равишда) биз учун ҳам халолдир.

Аммо коммунистик мамлакатлардан келган гўшт ва консерваларнинг ейишлик мутлако жоиз эмас. Чунки улар ахли китоб саналмайдилар, бутун динларни, Аллох таолони ва У юборган бутун пайгамбарларни инкор киладилар.

### III - МАЖУСИЙЛАР (ОТАШПАРАСТЛАР) ВА УНГА ЎХШАШ ТОИФАДАГИЛАРНИНГ

## СЎЙГАН ХАЙВОНЛАРИ

Мажусий (оташпарст)лар томонидан сўйилган хайвонлар хақида Ислом уламолари ихтилоф этганлар. Аксарият уламолар мажусийлар сўйган хайвонларни ейишликни ножоиз деб билиб даъкиклаганлар. Чунки улар мушрикдирлар.

Баъзи олимлар эса халол деб билганлар. Чунки пайгамбаримиз (с.а.в): "Ахли китобга кандай муносабатда бўлсангиз уларга ҳам шундай муомала килинг", деганлар.

Имом Бухорий ва бошқаларнинг ривоят килишича Расулulloх (с.а.в) Хожар мажусийлари келтирган жизияни кабул килганлар.

Ибн Хазм бу хусусда шундай дейди: "Улар ахли китобдир, шунинг учун хар холда ахли китоб хукмидадирлар".

Имом Абу Ханифанинг фикрига кўра, собийлар (юлдузларга ибодат килганлар) ҳам ахли китобдан хисобланадилар.

## БИР КОИДА: БИЛМАГАН НАРСАЛАРНИ СУРИШТИРМАСЛИК

Мусулмон киши билмаган нарсасини излашликка мажбур экас. Масалан: Ажабо, бу хайвонни кандай сўйган эканлар? Бутун шартларга амал килишганмикан ёки йўкми? Сўйилаётганда Аллох исми зикр килиндими килинмадими?, сингари саволлар билан шубхага берилишнинг хожати йўк. Чунки ёки фосик бўлса ҳам мусулмон ёхуд ахли китобдан бир киши сўйган хайвоннинг гўштини ейишлик халолдир.

Юкорида Имом Бухорий ривоят килган бир хадисни эслатиб ўтган эдик: Бир гурух мусулмонлар ўзларига гўшт келтирганини, аммо унинг устида Аллох номи тилга олинганми, йўкми, буни билмаганларини Расулulloх (с.а.в)га билдирганларида

пайгамбаримиз (с.а.в): "Сиз Аллох таоло исмини зикр килган холда еяверинг" деганларини биламиз.

Уламолар мазкур хадис хусусида шундай деганлар: "Бу-бутун феъл ва харакатларни сиххат ва саломат холлати доирасида кабул килишликнинг далилидир. Бу масалада фасод ва бузгунчиликка доир бир далил мавжуд бўлса, у холда аввалги хукмлар ўзгаради".

### **ОВ ВА ОВЧИЛИК**

Араблар ва бошка эски миллатларнинг кўпчилиги овчилик билан кун кечирар эдилар. Шу боис Куръон ва Суннат овчиликка доир хукмларини эълон килди, фикх уламолари ҳам бу хукмлардан келиб чиккан холда ўз карашларини билдирдилар, кайси ов халол, кайси харом, мустахаб ёки вожиб эканини тадқиқ этдилар ва бу мавзуда китоблар ёздилар.

Шубхасиз, уйда бокилмайдиган ва шунинг учун тутишни имкони бўлмаган гўшти лаззатли бир канча куш ва хайвонлар бор. Ислом уй хайвонларини сўйишликда шарт килган баъзи хусусларни инсонларга кулайлик бўлсин деб бу хайвон ва кушлар учун шарт килмаган. Аммо Ислом инсонларни исломий низом ва ҳам уни Испом ранги билан рангин килмок максатида ов килишликда баъзи шарт ва усулларни ўртага кўйгандир. Бу Шартларнинг баъзилари овчи билан, баъзилари ов билан баъзилари эса ов олатлари билан боглик бўлган шартлардир.

Бу хукмлар курукпик хайвонлари ови хакидадир. Сув хайвонларининг овланиши хакида эса аввалги бўлимларда кўриб ўтганимиздек кай тарзда бўлишидан катъий назар Аллох таоло халол хукмини берган:

"Денгиз (сув) ови ва унинг емишлари (яъни сизлар овламай ўзи сохилига чикиб колган нарсалар) халол килинди" (Моида сураси-96).

### **ОВЧИГА АЛОКАДОР БЎЛГАН ШАРТЛАР**

Хайвонни сўяётган кишида мавжуд бўлиши керак барча шартлар овчида ҳам бўлиши шарт: Мусулмон, аҳли китоб ёхуд мажусий ва собийларга ўхшаш аҳли китоб ҳукмида саналганлардан бўлгани каби...

Ислом энг аввал овчиларни юмшок калбли ва шафкатли бўлишга чакиради. Масалан, ейиш ва фойдаланиш нияти бўлмайд туриб хайвонларни ўлдиришдан инсонларни манъ этади. Насоий ва Ибн Хаббонлар ривоят қилган бир ҳадисда шундай дейилади: "Бир қушни бекордан-бекорга ўлдирганлари учун қиёмат кунда у қуш: "Ё Раббим, фалон киши фойдаланиш нияти бўлмайд туриб мени бекорга ўлдирган" деб шикоят қилади".

Яна Насоий ривоят қилган ва Ҳаким саҳих бир санадга таяниб айтган ҳадисда эса шундай дейилади: " Бир қушни ўлдириб туриб ҳаққини бермаган киши қиёмат кунда жавоб беради". Қуш ҳаққини нима, эй Расулulloҳ? деб сўраганларида пайгамбар (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Қушни сўйиб, бошини кесиб ташлагандан сўнг унинг гўштини ейишдир".

Овчи амал қилиши керак бўлган иккинчи шарт эса ҳаж ёки умра учун ихромга кирган бўлмаслигидир. Зеро, ихром вақтида мусулмон ҳар жонзотга, ерда ёки қўқда мавжуд бўлган ҳар хайвон ва қушга меҳр ва шафкат билан муомалада бўлиши лозим. Хаттоки ов қўлининг остида ёки жуда яқинда бўлса ҳам Ислом тарбияси уни овлашлик ёки тутишликка руҳсат бермайди.

Бу ҳусусда Аллоҳ таолонинг махсус амри мавжуд:

"Эй мўминлар, албатта, Аллоҳ гойибда (қўрмай) туриб ўзидан қўрқадиган кишиларни билиш учун сизларни (ҳаж сафаринида бўлган чоғингизда) қўл ва найзаларингиз етгудек овлар билан имтиҳон қилур. Мана шу (огоҳлантиришдан) кейин ким ҳаддидан ошса (ихромда бўлган ҳолда ов овласа), унинг учун аламли азоб бордир. Эй мўминлар, ихромда бўлган чоғингизда бирон овни ўлдирманг!" (Моидасураси-94-95).

"Ва модомики ихромда экансизлар, сизларга қуруқлик ови ҳаром қилинди". (Моидасураси-96).

"Сизлар учун - ихромда туриб ов овлашни халол қилиб олмаган холингизда..." (Моида сураси-1).

## **ОВ БИЛАН БОГЛИК ШАРТЛАР**

Ов қилинаётган хайвон тутилиб сўйилишининг имкони бўлмаган бир хайвон бўлиши керак. Акс холда (яъни, тутилиб томок ёки бўйин қисмидан сўйилиши мумкин бўлган бир хайвон бўлса) уни ов йўли билан ўлдириш ножоиздир.

Қурол ёки ов итлари билан бир хайвон овланса ва ўлмаётган туриб, жонли ҳолатларда етиб олинса, у холда бу хайвон одатдаги шаръий усулда сўйилиши шарт... У хайвонга жони чиқиб турганда етишиб олиб сўйилса мақсадга мувофиқ бўлади, аксинча, сўйилмай ўз холига ташлаб ўлдирилса гуноҳ бўлади. Бухорий ва Муслимининг "Саҳих"ларидаги бир ҳадисда шундай дейилади: "Итни овнинг орақисидан қуйиб юбораётганда Аллоҳ таоло исмини зикр қил. Ит овни жонли ҳолатда келтирса дарҳол сўйиб ол..."

## **ОВ АСБОБЛАРИ БИЛАН БОГЛИК ШАРТЛАР**

Ов асбоблари икки қисмдир.

қисм. Моида сураси 94-оятда "қўл ва найзалирингиз етгудек..." иборасида ишора этилганидек найза, қилич, ўк сингари ўткир асбоблар...

қисм. Тўрт оёқли йирткич хайвонлардан ит ва борс,

йирткич қушлардан эса бургут, лочин каби қўлга ўргатиш мумкин бўлган жониворлар. Бу

хусусда Аллох таоло Куръони Каримда шундай марҳамат килган:

"Айтинг: "Сизлар учун барча покиза нарсалар ва яна сизларнинг таълимингизни олган жониворларнинг (тутиб келтирган овлари) халол килинди" (Моида сураси-4).

## **ЎТКИР АСБОБЛАР ЁРДАМИДА ОВЛАШЛИК**

Асбоблар билан килинган овнинг икки шарти бор:

1. Асбоб огирлиги билан эмас, кескирлиги билан хайвон вужудига ботиши керак...

Адий ибн Хотим Расулulloх (с.а.в.)дан: "Мен овимни "меърод" деб аталган ўк билан уриб тушураман, бунинг ҳукми қандай?" деб сўраганида шундай жавоб бердилар: "Меъроднинг отганинда агар вужудга кирса, ё , акс холда эни билан тегиб, вужудини ёриб кирмаса ема!" (Бухорий, Муслим). (Меърод - ўртаси калин ва эни билан бориб тегадиган, каттик бир ўк).

Бу ҳадиси шарифнинг ифодасига кўра, овда кўлланилган асбоб огир бўлса ҳам вужудни ёриб кириши керак. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, тўппонча, милтик сингари ўтли куролларнинг ва ўк сочмалари билан урилган овлар ҳам халолдир. Зеро, бу ўк найза, килич, камон ўқидан ҳам кўра қувватли бир шаклда хайвон вужудига кириб боради.

Аммо Имом Аҳмад ривоят қилган "Милтик билан отилган хайвонларнинг фақат сўйилганини енглари" ҳадиси ва Имом Бухорий ривоят қилган "Милтик билан отилган хайвонлар бир жойига уриб ўлдирилган хайвонлар ҳукмидадир" мазмунидаги Ибн Умар (р.а.)нинг сўзлари юқоридаги фикримизга тесқари бўлган бир ҳолатни келтириб чиқармоқда.

Шу ўринда бир нарсани унутмаслигимиз керакки, мазкур ҳадис ва Ибн Умарнинг сўзидаги милтиқдан мақсад, у даврларда лойдан ясалиб қуритилган ва ёйли курол

сифатида фойдаланилган бир асбоб бўлиб бугунги милтиклардан бутунлай фарк килади.

Тош билан ов қилиш ҳам юкорида зикр қилинган хадисдаги милтик ҳукмидадир. Расулulloх (с.а.в.) бундай овни тақиқлаганлар. Бухорий ва Муслим ривоятига кўра пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: "Тош на овга ярайди, на душманни яралашга. Бор йўғи тиш синдириб, кўз чиқариши мумкин".

2. Расулulloх (с.а.в.) Адий ибн Хотимга ўргатганидек олатни отиш ва мўлжалга олиш вақтида Аллох таоло исмининг тилга олиниши...

Бу хусусда пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг хадиси шарифлари асос сифатида қабул қилинган.

## **ИТ ВА БОШКА ОВ ХАЙВОНЛАРИ ХУСУСИДА**

Агар ит ва шунга ўхшаш хайвонлар ёрдамида ов қилинса, баъзи шартлар мавжуд бўлиши керак:

а) Ов хайвонинг ўргатилган бўлиши...

б) Овни ўзи учун эмас, эгаси учун тутиб келиши...

в) Аллох таоло исмини зикр қилган ҳолда кўйиб юборилиши...

г) Овнинг орқасидан кўйиб юборилган хайвон билан бошқа бирор хайвонининг бўлмаслиги...



Бу шартларнинг асли Куръони Каримда очик бир шаклда билдирилгандир:

"(Эй Мухаммад, мўминлар). Сиздан ўзлари учун нималар халол килинганини сўрайдилар. Айтинг: "Сизлар учун барча покиза нарсалар ва яна сизларнинг таълимингизни олган жониворларнинг (тутиб келтирган овлари) халол килинди. Бас, улар сизлар учун ушлаб келтирган нарсаларни еяверинглар ва (уларни овга кўйиб юбораётганларингда) Аллохнинг номини зикр килинглар! Аллохдан кўркинглар!" (Моида су- раси-4).

Ўргатишликнинг маъноси очикдир. Яъни, хайвон эгасининг истаганидек харакат килиши, тутганини эгасига келтириб бериши, кўйиб юборилганда овнинг оркасидан хужум килиши, овга озор бераётганини хис килиши каби холатлар ўргатилганликнинг далиллари дир. Баъзи факихлар орасида бу шартлар хусусида ихтилофлар бор. Аммо мухими уларнинг кўпчилик томонидан кабул килинган шартларга мос равишда ўргатилган бўлишлигидир.

Овни эгаси учун тутиб келишлигининг маъноси, ўзининг бу овдан бир тишлам хам емаслигидир.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) бу хусусдаги бир хадисларида мархамат киладилар: "Итни кўйиб юборганинда ит бу овдан бирор парча еса, сен ундан ема. Чунки ит уни ўз нафси учун тутган бўлади. Хужум килганида овни ўлдирсаю, ўзи емаса, сен ундан е... Зеро, уни эгаси учун тутган саналади". (Ахмад).

Итнинг ўргатилиши ва овни факат эгаси учун тутиб келишидаги шартлар хикмати: заиф характерли кишиларнинг масхара килишларига йўл кўймаслик учун йирткич хайвонлардан ва итлардан ортиб колган нарсаларни ейишликдан инсонни узоклаштириб бу билан уларнинг шаънини ва кадрини улугламокликдир. Аммо ўргатилган ва овни факат эгаси учун тутиб келган итнинг холати худди овчи кўллаган ўк ва найза кабидир.

Итни ов оркасидан кўйиб юбораётганда Аллох таоло исмини зикр килиниши худди ўк отиш, найза санчиш ва килич уриш вақтида Аллох таолонинг исмини зикр этиш сингаридир.

"Бас, улар сизлар учун ушлаб келтирган нарсаларни еяверинглар ва (уларни овга кўйиб юбораётганларингда) Аллохнинг номини зикр килинглар! Аллохдан кўркинглар!" (Моида сураси - 4).

4. Овнинг оркасидан кўйиб юборилган итдан ташкари бошка бир итнинг бўлмаслиги сахиҳ хадислар бу хусусда иттифок холидадир. Аллох таоло исми зикр этилиб кўйиб юборилган итга бошка бир ит ёрдам берса, у овни ейишлик халол эмас.

Адий ибн Хотим Расулulloх (с.а.в.) дан сўради: "Мен итимни кўйиб юборганимда бошка бир итни унга кўшилган холда кўраман. Овни кайси бири тутганини билмай қоламан..." Пайгамбаримиз (с.а.в.) дедиларки: "Уни ема... Чунки сен бошканинг эмас, ўз итининг устига Аплох таолонинг исмини зикр этдинг".

Хайвон кўйиб юборилаётган ёхуд олат отилаётган вақтда Аллох таолонинг исмини зикр килиш унутилса, гуноҳ йўқдир, чунки Аллох таоло унутилган ва хато билан килинган ишларнинг жавобгарлигидан бу умматни халос этгандир.

Шундай бўлиб колган тақдирда сўйишликда бўлгани каби бу холда ҳам уни ейишлик асносида Аллох таолонинг номини зикр килиш билан хато тузатилади.

Шаръий сўйишлик хақида сўз юритганимизда Аллох таолонинг исмини зикр этишнинг хикматларини айтиб ўтган эдик. Ўша сўзлар бу холатга ҳам тегишлидир.

## **ОВНИНГ ЎЛИК ХОЛДА ТОПИЛИШИ**

Баъзан овчи бир хайвонни отиб йўқотиб кўяди ва бир канча вақтдан кейин ёки бир неча кундан кейин топиб олади. Бундай холатларда ов баъзи шартлар билан халол бўлади:

1. Сувга тушмаган бўлишлиги керак. Имом Бухорий ва Имом Муслим "Саҳих"ларида қайд этилишича Расулulloх (с.а.в.) шундай деганлар:

"Ўқ отганингда овингни сувга тушмаган ҳолда топсанг, у сенга ҳалолдир. Акс ҳолда унинг сувдан ёки ўқдан ўлганлигини аниқ била олмайсан".

Овнинг ўлимига сабаб бўлаган бошқа бир олат нинг из бўлмаслиги керак.

Адий ибн Хотим айтадики: Ё Расулulloх, дедим. Баъзан овимни овлайману, лекин иккинчи куни ўқим билан бирга топаман. Пайгамбар дедиларки: "Агар унда йирткич бир хайвоннинг изини учратмасанг ва сенинг ўқинг уни ўлдирганлигига ҳукм этсанг, овинг ҳалолдир".

Ов хидланиб бузулиш даражасига етмаган бўлиши керак. Зеро, айниган гўштининг зарари у ёқда турсин, соғлом мижозли кишилар ундай гўшдан ҳазар қиладилар ва нафратланадилар.

"Саҳих"и Муслимда ривоят қилинишича Расулulloх (с.а.в.) Абу Саълаба ал-Ҳожийга шундай деганлар: "Ўқ узганингдан уч кун кейин овни айнамаган ҳолда топсанг, уни е".

## ИЧКИЛИК

Ички, маст қилувчи спиртли моддалардир.

Ичкиликнинг ақл, вужуд, дин ва дунё устидаги зарарлари ҳақида гапириш ёки хотин, эркак ёхуд болалар қаби оила аъзоларига нисбатан таҳликаларини изоҳлаш - маълум нарсанинг такрорлашдан бошқа нарса эмас. Рухий, моддий ва ахлокий жихатдан ичкиликнинг жамият ва миллатларга бўлган кўркинчли зарарлари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Бу хусусда тадқиқотчиларнинг бирининг шу сўзларига бир кулок тутинг: "Инсон хаёти давомида ичкиликдан ҳам кўра ёмонроқ бир зарба еган эмас! Ичкилик сабабли вужуд хасталикларига учраган ёхуд телба бўлган... Ичкилик сабабли ўз жонига касд қилган ёки бошқа бирини ўлдирган... Ичкилик сабабли асаб касалликларига тутилган ёки ошқозон, ичак касалликларидан шикоят қилган... Ичкилик сабабли инсоний қиёфасини йўқотган... Ичкилик сабабли алданиб ёки ўз ихтиёри билан бор-бурдини сотган... Охир-оқибат хор-зор бўлиб ўлиб кетган... Шунга ўхшаш бутун фалокатлар ичкилик тўфайли содир бўлган... Бутун дунёдаги шифохоналарда тадқиқот ўтказилиб натижалари жаҳон жамоатчилигига эълон қилинса энди муҳаккаки тасвирлаб бўлмас даражадаги дахшатли бир манзара ўртага чиққан бўлар эди.

Жоҳилият даврида ичкилик ичишлик хаддан ташқари кенг ёйилган эди, дастурхонлар ичкиликсиз ёйилмас эди. У давр инсонлари шунчалик ичкиликка берилган эдиларки, лугатларида ичкиликнинг юздан зиёд номи бор эди, шеърларида факат ичкилик тўла дастурхон тасвирланар эди.

Ислоҳ келиши билан юксак бир ахлоқ дастури уларни тарбия қила бошлади ва босқичма-босқич ичкиликни харом эканлигини тушунтириб борди. Масалан: Аввалига маст холда намоз ўқишпикни манъ этди. Кейин зарарининг фойдасидан кўпроқ эканлигини билдирди ва ниҳоят, Аллоҳ таоло хар турли маст қилувчи ичкиликка қарши ўзининг сўнги ва қатъий ояти қаримасини нозил қилди:

"Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), кимор (ўйнаш), бутлар (яъни, уларга сизиниш) ва чўплар (яъни, чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган харом ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг қар биридан узок бўлингиз! Ичкилик, кимор сабабли шайтон ўрталарингизда бузғу адоват солишни қамда сизларни Аллоқни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!" (Моида сураси -90- 91).

Бу икки ояти қаримада Ҳақ таоло ичкилик ва киморнинг харом эканлигини очикча билдиргандир. Зеро, уларни бутлар ва фол ўқлари билан биргаликда шайтоний сифатлар деб атаган. Чунки шайтоннинг иши ёмонлик ва мунқирдир. Аллоҳ таоло инсонларни бундай ишлардан узок туришларини ва ҳазар қилишларини амр этиш билан, бунинг саодатга олиб борадиган бирдан-бир тўғри йўл эканлигини билдиргандир. Шунингдек, ичкилик ва киморнинг ижтимоий зарарларидан инсонлар орасига гина ва адоват уруғларини сочишлигини, рухий зарарларида эса: намоз ва Аллоҳ таолога зикр

килишдан тўсишлигини эслатиш билан Аллох таоло мўминларни бундай шайтоний ишлардан воз кечишликка буюради. Мўминлар бу катъий ва очик амрга "Воз кечдик, Аллохим! Воз кечдик, Аллохим!" деб жавоб берганлар".

Хакикатан мўминлар мазкур оят нозил бўлгандан сўнг кишини хайратлантирадиган даражада ҳаракатлар қилганлар. Масалан: кўлида ичкилик тўла қадахи бўлган ва хатто уни ичаётган одам бу оятни эшитар-эшитмас қадаҳдан оғзини олиб, қолган қисмини дархол тўкиб ташлайди.

Дунёдаги мавжуд ҳукуматларнинг деярли барчаси ичкилик жамиятга зарар келтиришига ишонади. Баъзилари Америкадаги каби қуч ва қонун йўли билан уни таъқиқлашга ҳаракат қиладилар. Лекин афсуски бу ишни бажара олмаганлар. Исломи эса ўзининг илк давридани бошлаб ичкиликка қарши қурашган ва муваффақиятга эришган.

Черков мансублари ҳам ичкилик ҳақида насронийликнинг қарорлари ҳусусида ихтилоф қилганлар. Баъзилари Инжилнинг "Ичкиликнинг ози ошқозон учун зарарли эмас" ифодасини далил сифатида кўрсатадилар. Агар бу сўз тўғри бўлиб ичкиликнинг ози ошқозонга ҳақиқатан зарар қилмаган тақдирда ҳам ўша озидан ҳам ҳазар қилиш керак. Чунки ичкиликнинг ози аста секин инсонни кўп ичишликка етаклайди. Бир қадах иккинчисини, иккинчи қадах учинчисини бошлаб инсоннинг ҳалокатига сабаб бўлади. Аммо ичкилик ҳусусида Исломининг амри очик ва катъийдир.

## **МАСТ ҚИЛУВЧИ ХАР БИР НАРСА ИЧКИЛИҚДИР**

Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўз замонасида биринчи бўйиб ичкиликни харом деб эълон қилар экан, унинг қайси моддадан тайёрланганига қарамаган, балки унинг сўнг таъсирига, яъни маст қилишлигига диққат этган. Инсонлар уни қайси ном билан атаса атасин, қандай моддадан тайёрланса тайёрлансин, маст қилувчи хар бир нарса ичкилик ҳукмидадир. (Шунга кўра пиво ва унинг қайси ичкиликлар ҳам харомдир)

Асал, тарик, арпа қайси моддаларнинг ачитишлик йўли билан ҳосил бўлган ичкилик ҳақида Расулulloх (с.а.в.) дан сўралганда шундай жавоб берганлар:

"Маст килувчи хар бир нарса ичкиликдир. Хар кандай маст килувчи ичкилик харомдир" (Муслим).

Хазрати Умар (р.а.) эса пайгамбар (с.а.в.) нинг минбарларидан туриб бутун инсонларга "Аклни кетказадиган хар бир нарса ичкилик" эканлигини эълон килдилар (Бухорий, Муслим).

## **КЎПИ МАСТ КИЛУВЧИ НАРСАНИНГ ОЗИ**

Ислом, ичилган ичкиликнинг оз ёхуд кўплигига карамай катъий "харом" хукмини чиқарган.

Исломий хукм учун инсонларнинг бу йўлда биргина кадам кўйишларининг ўзи етарлидир. Зеро бу илк кадамдан сўнгра давоми бор ва ичкилик боткогига бир ботган киши орқасига қайта олмайди.

Бу хусусда пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар: Кўпи маст қилган нарсанинг ози ҳам харомдир". (Бу ҳадисга кўра, маст бўлмаган ҳолда ва эиёфатларда протокол имзолари асносида бир неча қултум ичкилик ичган кимсаларнинг бу ҳаракатлари Исломга зиддир ва катъиян харомдир.)

Мазкур ҳадисни Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар. Яна бу ровийлар келтирган бир ҳадиси шарифда айтиладики: "Бир қозони маст қилган нарсанинг бир ховучи ҳам харомдир".

## **ИЧКИЛИК ТИЖОРАТИ**

Ислом ичкилик ичишни харом қилиш билан чекланиб қолмай, айна замонда унинг тижоратини ҳам харом сифатида таъқиқлаган.

Ичкилик ишлаб чиқариш, ичкилик сотиладиган маконга эга бўлиш ва бундай бир жойда хизматчи бўлиб хизмат қилиш каби ҳолатлар мусулмон учун қатъиян харомдир.

Шу боис Термизий ва Ибн Можа ишончли манбалардан келтирган ривоятларига қараганда бу нарсалар қаттиқ қораланади: "Пайгамбар (с.а.в.) ичкилик хусусида ўн кишини лаънатлаганлар: Ичкиликни сиккан, ўзи учун сиккан, ичган, ташиган, ўзи учун ташиган, ичирган, сотган, пулини еган, сотиб олган ва ўзи учун сотиб олган кишилар..."

Юқорида эслатганимиз Моиди сурасининг ичкилик ҳақида ояти тушганида Расулulloх (с.а.в.) шундай дедилар: "Аллох ичкиликни харом қилди. Бу оятдан хабар топиб ёнида ичкилиги бўлган киши энди ундан ичмасин ва уни сотмасин" (Муслим).

Ровийнинг айтишича шундан сўнг барча мўминлар ёнларидаги бор ичкиликларини Мадина кўчаларига тўқдилар.

Харомга олиб борадиган йўлларни тўсишлик учун Ислом мусулмонларнинг ичкилик тайёрланадиган жойларга (агар бу ҳақда аниқ далиллари бўлса) узум сотишларини харом қилган. Бу хусусда пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладиларки: "Бир яхудийга, насронийга, ҳатто мусулмон бўлса ҳам арок тайёрлайдиган бир кишига сотиш учун узумини саклаб қўйганлар кўра била туриб оташни тишлаган бўладилар". (Табароний).

### **МУСУЛМОН АРОК ХАДЯ КИЛМАЙДИ**

Арокни сотиб пулни ейишлик мусулмон киши учун харом бўлганига кўра, яхудий, насроний ёки бошқа бир гайридинга уни бепул ҳадя қилишлик ҳам харомдир. Мусулмонлар ичкилик ҳадя этиши ёхуд ўзига ичкилик ҳадя этилиши унинг шарафига ярашмайди. Чунки мусулмон киши покдир, пок нарсадан бошқани ҳадя қилмайди ва нопок нарсани қабул қилмайди.

Ривоят қилинадики, бир одам пайгамбар (с.а.в.) га ичига арок қуйиб тарқатиладиган бир

ҳумни ҳадя қилмоқчи бўлди. Пайгамбар (с.а.в) ичкиликни Аллоҳ таоло ҳаром қилганлигини хабар берганларида у одам:

- Сотишим ҳам мумкин эмасми?, деди.

- "Ичилишини ҳаром қилган унинг сотилишини ҳам ҳаром қилгандир"

- Яхудийга ҳадя қилсам бўлмайдими?

- "Уни ҳаром қилган яхудийга ҳадя қилишликни ҳам ҳаром қилгандир".

- Ундай бўлса нима қилай?

- "Чўлга элтиб ташла", дедилар (Хумейди).

## **ИЧКИЛИК МАЖЛИСЛАРИДАН УЗОКЛАШИШ**

Шу тариқа мусулмон ичкилик мажлисларидан ва арок ичувчилар билан бирга ўтиришликдан узоқлашишга буюрилгандир. Ҳазрати Умар (р.а) айтадики:

"Пайгамбар (с.а.в) нинг шундай деганларини эшитдим: "Аллоҳга ва охиратга иймон келтирган киши устида арок бўлган дастурхонда ўтирмасин".

Бу ҳадисни Имом Аҳмад ривоят этган. Айни маънодаги бир ҳадис Термизийнинг ривоятида ҳам мавжуд.



Мусулмоннинг вазифаси динга зид бўлган хар нарсани тузатиш, бунга кучи етмаган тақдирда эса турган жойидан узоклашишдир.

Ривоят килинишича халифа Умар ибн Абдулазиз арок ичганларни ва ичмаса ҳам арок мажлисида ўтирганларни калтаклашга буюрган эди. Ва яна бир ривоятга кўра бир гуруҳ арокхўрларни хузурига олиб келганларида уларни таёк билан уришга буйрук беради. Ораларида рўза тутган бир кишининг борлигини хабар берганларида эса: "Биринчи бўлиб ўшандан бошланглар. Магар бу ҳақда Аллох таоло Куръони Каримда нима деганини эшитмадингизми? Эшитмаган бўлсангиз эшитинг" деди ва шу оятни ўқиди:

"Ахир Аллох сизларга Китобда: "Қачонки Аллохнинг оятлари инкор килинаётганини эшитгансизлар, то бошка гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар", деган сўзларни нозил қилган эди-ку?!" (Нисо сураси - 140).

### **ИЧКИЛИК ДАВО ЭМАС – ХАСТАЛИҚДИР**

Бутун бу мисоллар билан Ислом ичкиликка қарши қурашишга, мусулмонларнинг ундан узоклаштиришга, арок ичилган ёки бор бўлган ерга қадам босмасликка чақиради ва бу хусусда қатъий ҳукмлар эълон қилади.

Оз бўлса ҳам ичиш, сотиш, сотиб олиш, ҳадя этиш, сиқиш, дўконга ёки уйга келтириш, тўй ва базмларда дастурхонга қўйиш, мусулмон бўлмаган бир меҳмонга тақдим қилиши ва хар қандай емак ичимликка аралаштириш каби хусусларда Ислом қатъий ҳукм чиқариш билан буларни мусулмонлар учун харом қилган.

Шу ўринда аниқлик киритиш лозим бўлган бир хусус бор: У ҳам бўлса ичкиликнинг дори сифатида қўлланишидир. Бир киши ичкилик ҳақида пайгамбар (с.а.в)- дан сўради ва Аллохнинг расули (с.а.в) уни бу ишдан қайтарди. Шунда халиги одам, ундан дори сифатида фойдаланаман деганда пайгамбаримиз (с.а.в) айтдилар: "У даво эмас, ҳасаталиқдир". (Ибн Хиббон).

Яна Абу Довуд келтирган бир ривоятга кўра Расулulloх (с.а.в) шундай марҳамат килганлар: "Аллох таоло касаллик билан бирга унинг давосини ҳам туширди. Ҳар касалликка бир даво яратди. Даволанинг, аммо ҳаром билан даволанманг".

Имом Бухорийнинг ривоят килишича Ибн Масъуд маст килгувчи нарсалар ҳақида шундай деган: "Аллох таоло шифоларингизни сиз учун ҳаром килинган нарсаларда қолдирган эмас".

Ислоннинг ичкилик ва бошқа ҳаромлар билан даволашни таъқиқлаши ақлан ва мантиқан гоётда тўғридир. Ибн ул-Кайюм айтганидек: "Бир нарсанинг ҳаром килиниши ҳар йўл билан бўлса ҳам ундан узоклашиб қочишлик учундир. У нарса даво сифатида қўллашда ўша нарсани уйда саклашликка ташвиқ этиш ҳисси мавжуддирки, бу ислоний ҳукмларга зид бўлган бир ҳаракатдир.

...Нафслар унга майл этган бир нарса бўлган учун у билан даволанишнинг мувоҳ бўлиши бора-бора унинг шахват ва лаззат учун ичилишига сабаб бўлди. Бунинг устига фойдали ва дардларни кетгузгувчи эканига ишонилса аҳвол яна ҳам фожиали тус олади... Бу ҳаром дориларда қутилган шифодан кўра касаллик бор.

Ибн ул-Кайюм бу ҳусуснинг рухий жихатида диққатни жалб қилиб айтадики: Доринг фойдали бўлиши учун қўллаган киши уни ҳуш кўриши, фойдалангани тақдирда Аллох таоло томонидан бу доридан фойда келишига ишониши керак. Ҳар бир кишига маълумки, ҳаром килинган учун мусулмон киши ҳеч қачон ичкиликни ҳуш кўрмайди, баракоти ва фойдасига ишонмайди. Ҳатто мўмин киши қанчалик бақувват иймонга эга бўлса, у нарсдан шунчалик нафратланади, ҳазар қилади... Ундан макруҳроқ нарсани кўрмайди! Шундай бир ҳолатда мусулмон уни қўлласа даво эмас, аксинча дард бўлади. (Аҳмад, Муслим, Термизий).

Шу билан бирга, Ислонда заруратнинг ҳам ўзига ҳос ҳукмлари бор. Масалан: ўз касбида моҳир ва динига қаттиқ боғланган мусулмон бир шифокор томонидан инсон ҳаётини ҳавф остида қолдирган бир касалликнинг давоси учун ичкилик ёки ичкилик аралашган бир дори тавсия этилса ва бунинг ўрнини боса оладиган бошқа дори бўлмаса (бундай бўлишига ишонмайман) у ҳолда енгилликни таъмин этиш ва қийинчиликларни қетказиш қоидаларига таянган Ислон шариати беморни бу мушкул ҳолатдан қутқариш учун мазкур дорини қўллашни манъ этмайди.

"Бас, ким золим ва тажовузкор бўлмаган холда музтар бўлиб колса (масалан, очликдан ўлмаслик учун у нарсаларни ейиш билан гунохкор бўлмас). Зеро, Парвардигорингиз магфиратли, меҳрибондир". (Анъом сураси-145).

## НАРКОТИК МОДДАЛАР

"Ақлни тўсадиган хар нарсага хамр (ичкилик) дейилади. Бу хазрати Умар (р.а.) ичкиликнинг маъносини чегараламок ва бу хусусдаги саволлар ва шубхаларни ўртадан кўтариш учун пайгамбар (с.а.в) минбаридан туриб айтган бир очик ифодадир. Шу ўринда, инсон ақлини кетказадиган ва инсонни бошка махлуклардан ажратиб турган энг олий хусусиятидан узокпаштирадиган хар кандай нарса ичкилик макомида бўлиб, катъиян харомдир. Аллох таоло ва Расули уни киёматга кадар харом килгандир.

Шунингдек, биз наркотик деб атаган - наша, афюн, героин каби инсонни ақлдан оздирадиган моддалар учун хам хукм айна хукмдир. Бу моддалар таъсирини уни кўллаб кўрганлар жуда яхши билишади. Бутун воқеа ва ишларда ақлнинг хукмини ўзгартириб юборадиган бу захри котил инсонга яқинни узок, узокни яқин килиб кўрсатади, уни хақикий дунёнинг мавжуд бўлмаган хаёлий дунёга учириб кетади. Бу моддалардан фойдаланган кишилар гоёси ана шу. Ўзларини, динларини ва дунёларини унутиб хаёл водийларида сайр килиб юриш учун кўллайдилар .

Бунинг устига наркотиклар вужудларни, асабларни бўшаштириб, согликни издан чикаради, нафсни чиритади, ахлоқни бузади, иродани йўқ килади, вазифа шуурини заифлаштиради ва шу тарика унга мубтало бўлганларни жамиятда паразитга айлантиради.

Ха, унинг касофати бу билан чекланиб колмайди, у кишиларнинг бор-йўқ молу дунёсидан жудо килиб оилаларни, миллатларни, жамиятларни паришон этади. Наркотик балосига чалинганлар ахли аёлларининг, фарзандларининг ризкини кийиб, баъзилари эса бор-будурини созуриб, ҳеч нарса тополмай колганда ўгрилик, котиллик, зино каби харом йўлларга кириб топган харом пулларига у захри котилни олиб ўзларини хам, жамиятни хам захарлайдилар.

"Харом килишликнинг ҳукми бир нарсанинг ёмон ва зарарли бўлиши билан белгиланади", десак хато килмаган бўламиз. Зеро, рухий, ахлокий, тиббий, ижтимоий, иктисодий жихатдан зарарли бўлган бу нарсаларнинг харом бўлиши, шубҳасиз, табиийдир.

Бунинг харомлиги хақида, бу зарарли нарсалар содир бўлган вақтдаги Ислому фуқоҳолари "ижмоъ" ҳукмини берганлар. Булардан Шайх ул-Ислому Ибн Таймийя айтадики: "Хаш хаш ўти маст килса ҳам, килмаса ҳам харомдир... Гуноҳкорлар нашъа завқ бергани учун уни кўллайдилар... Бу айни пайтда маст килувчи ичкилик билан баробардир. Ичкилик душманликларни кўзгатади, бу эса бўшангликка, зиллатга, мижоз ва ақлнинг бузилишига, шахватнинг авж олишига ва ичкиликдан фарқли ўлароқ кишилардаги рашк килиш туйғусининг йўқолишига сабаб бўлади. Шу боис бундан оз ёки кўп кўллаш жазоси ичкилик ичишнинг жазоси кабидир. (У ҳам бўлса 80 ё 40 даррадир)". ("АЛ-Фатаво" Ибн Таймийя, 4-жилд., 262-с.).

Бу ҳолда наркотик моддалар қўллаганининг ҳолати, худди ичкилик ичган киши кабидир. Хатто баъзи ҳолатларда янада ёмонроқдир. Шунинг учун ҳам икковининг жазоси бир хилдир. "Ислому шариатининг қоида-қўра ичкилик, зино ва шунга ўхшаган нафс орзу қилган харомларнинг жазоси: ҳад-дарра уришдир. Ўлимтик каби нафс орзу қилмайдиган харомларнинг жазоси эса: озорлашдир. Наркотик моддалар эса, қўллаган тарафидан орзу қилинади ва осонликча ундан воз кечмайдилар. Куръони Карим ва суннатда бунинг қўллаганлар хақидаги далиллар, бошқа харомларнинг қилганлар хақидаги далиллар кабидир". ("Зод-ул Маод , Ибн Каюм. ал-Жавзий жилд: 3, с.х. 115-116).

### **ЗАРАРЛИ ХАР КАНДАЙ НАРСАНИ ЕБ, ИЧИШЛИК ХАРОМДИР**

Ислому шариатида собит бўлган умумий бир қоида бор. Муслмон киши еб, ичишликда захар ва шунга ўхшаш тез ёки аста-секин таъсир қилиб ҳалок қиладиган, рух ва баданга зарар берадиган моддалар мавжуд бўлган нарсалардан истеъфода этмалиги керак, аксинча, улардан узок туриши ва ҳазар қилиши лозим. Чунки, муслмон ўз ўзининг мулки эмас, балки ўз динининг ва умматининг мулки ҳисобланади. Унинг ҳаёти, саломатлиги, моли ва Аллох таоло унга инъом этган бутун неъматлар бир омонатдир. Бу ҳусусда ҳаддан ошишлик жоиз эмас. Аллох таоло шундай деиди:

"Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг! Албатта, Аллох сизларга меҳрибон бўлган зотдир" (Нисо сураси-29).

"Ўзингизни халокатга ташламанг!" (Бакара сураси-19).

Пайгамбаримиз (с.а.в.) эса зарар хусусида: Исломда зарар бериш ва карши тарафдан зарар кўриш йўқдир - деб марҳамат килганлар. (Ахмад, Ибн Можа)

Юкоридаги хукмларга асосан айта оламизки, ўнлаб илмий ва амалий далиллар билан исботланган сигарет ҳам харомдир. Хусусан бир табиб томонидан маълум бир кишига сигаретнинг зарарли эканлиги айтилиб, унга чекиш таъкиклаб қўйилган холда у кишининг чекишда давом этишлиги мутлако харом хисобланади. Тиббий жихатдан зарари исботланмаган бўлса ҳам, дин ва дунёга фойдаси бўлмаган бир нарсага маблаг сарф этишлик жоиз эмас. Имом Бухорийнинг ривоятига кўра Расулulloх (с.а.в.) молни фойдасиз ерга сарф килишни таъкиклаганлар. Хоссатан сигаретга сарфланган-маблагга ўзи ва фарзандларининг эhtiёжи бўла туриб сигарет сотиб олишлик минг чандон ножоиздир.

Шайх Юсуф Каразовий, Исломда халол ва харом китобидан

Абу Муслим тайёрлади